

## ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТИББИЙ ЭТИКА ВА ДЕАНТОЛОГИЯДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА “СЕҲРЛИ СЎЗ” ЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Юсунов Ҳамза Сафарович,  
Фозилова Нигора Собиржонова  
Мухаммадиева Камола Дилишод қизи*

*Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси Чирчиқ филиали Даволаш факултети ички касалликлар кафедраси ўқитувчиси ва бошқалар*

**Аннотация:** Ҳар қандай касблар каби тиббиётда ҳам “сеҳрли сўз”ларни қўллаш ўзининг ижобий натижаси беради. Врачнинг бемор билан ( бемор қариндоши ёки ўзоро ҳамкасблар орасидаги) муносабатида тиббий этика ва деантология қоидаларига риоя этган ҳолда, барча инсонларга ёқимли сўзлардан фойдаланишни тавсия этамиз. Беморларда кўпинча руҳий бузилишлар бўлиб, салгина салбий ҳаракатда ҳам руҳияти бузилишга моил бўлади. Бундай вазиятларда “сеҳрли сўз”ларнинг қўлланилиши амалиётда юқори самара беради...


**Мавзунинг долзарблиги ва мақсади:** Ҳар қандай беморда руҳий тушқинлик бўлиб, “сеҳрли сўз” беморнинг соғайишига умид бағишлайди.

**Калит сўзлар:** “сеҳрли сўз”лар, салбий омиллар, ижобий омиллар.

**Тиббий билим базаси;**

- Амалий кўникмаларни ошириш;
- Беморларни текшириш ва даволаш вақтидаги барча салбий омилларни бартаф этиш;
- Беморнинг врачга ишончини ошириш;
- Врачнинг “сеҳрли сўз”лардан фойдаланиши

### Талабада тиббий билим базасининг шакллантириш



20% билим аудиторияда, 80% билим мустақил тайёргарликда олинади=100%



20% ( аудитория)

## Талабада тиббий амалий кўникмаларни шакллантириш

1-босқич: шифокор ўқитувчи дарс режасига асосан бугун ўзлаштирилиши лозим бўлган, тиббий амалиётга зарур тиббий ашёларни тайёрлаб, ўзи билан дарсга олиб кириши лозим;

Шу мавзуга зарур тиббий ашёлар.

2-босқич: Талабаларга бугун ўзлаштирилиши лозим бўлган, тиббий амалиёт тўғрисида оғизаки ёки кўргазмали маълумот бериш вақтида ўзи билан олиб кирган шу тиббий ашёларни кўрсатиши, ишлатиш тартиби тўғрисида маълумот бекриши лозим;

Шу тиббий амалиёт бўйича презентация. (унда шу амалиётдан мақсад, амалиётни бажариш харакат алгоритми, бўлиши мумкин бўлган қалтис нўқталар, хато ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш, шахсий хавфсизлик қоидалари, амалиётдан кутилаётган натижалар ўз аксини топган бўлиши лозим)

3-босқич: шифокор ўқитувчи шу тиббий амалиётни ўзи намуна сифатида бажариб кўрсатиши лозим;

4-босқич: шифокор ўқитувчи ҳар бир талабанинг шу тиббий амалиётни тўғри ва сифатли бажаришини назорат қилиши лозим, камчиликлар аниқланганда, ўз вақтида бартараф этиши лозим;

**Бемор билан мулоқат вақтида беморга салбий таъсир этувчи омилларни олдини олиш**

**ЭСТЕТИК салбий омиллар:**

- шифокорнинг ташқи кўриниши-кийиниши (халатсизлиги, кирлиги, дазмоллан-мани...)...;
- соч ва соқолларнинг ўсиб кетгани...;
- ёқимсиз ҳид таралиши...;
- тирноқлари калталанмагани, буялган...

**ПСИХОЛОГИК салбий омиллар:**

- беморни хонага кирганида бепсандалик билан кутиб олиш;
- саломига алик олмаслик;
- беморнинг ўтиришига жой кўрсатмаслик;
- беморни тўлик эшитмаслик;
- беморни жиркиб бериш;
- беморнинг гапларига тўғридан-тўғри эътироз билдириш;
- беморни касаллигига ёки ҳаётига тегишли ҳолатларини мисол келтириб изза қилиш, камситиш;
- кибрга берилиш;
- юзидаги ўзига ишонмаслик ҳолати,...

#### **ВРАЧНИНГ САЛБИЙ ХАРАКАТЛАРИ:**

- Бармоқларини қирсиллатиб туриши;
- беморга ўзини эътиборсиз кўрсатиш;
- Деразага ёки бошқа жойга термиллиб туриши;
- Энасини қотириши;
- Сигарет чекиб туриши;
- Беморни эшитмасдан бирор нарса ёзиб ўтириши;
- Бемор олдида бошқа инсон билан телефонда узоқ гаплашиши;
- Бемор олдида, бошқа одам билан узоқ гаплашиши;
- Беморга гапираётган гапларини бемор тушинадиган даражада асослаб бераолмаслиги;...

#### **ТАШҚИ МУҲИТ салбий омиллар:**


- Врач ўтирган хонанинг таъмирга мухтожлиги;
- Хонанинг ифлослиги;
- Хона ҳавосининг бузилганлиги;
- Беморга ўтириш кўрсатилган стулнинг носозлиги, кирлиги;
- Дераза ойнаси синиқлиги;
- Эшикнинг тўлик ёпилмаслиги;
- Хонанинг хаддан ортиқ иссиқлиги ёки совуқлиги;
- Хонадаги жиҳозларнинг манавий эскирганлиги;
- Врач замонавий компютер технологиядан фойдаланмасдан, қоғоз вариантыда фойдаланаётганлиги;
- Текшириш учун тиббий ашёларнинг етишмаслиги ёки носозлиги;
- Хонанинг ёритилиши пастлиги;
- Хонада бошқа шовқинлар эшитилиши;...

#### **ЮЗ ҚИЁФАСИга боғлиқ салбий омиллар:**



ФАҚАТ **ХОТИН-ҚИЗ ВРАЧЛАР** ЧЕГАРАНИ БИЛИШИ ЛОЗИМ: МИЪБЕРИДАН ОРТИҚ МЕХҲРИ ҚАРАШНИ БЕМОРЛАР НОТЎҒРИ ФИКРЛАШИГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Қаҳрли қараш



Хайри- хоҳли қараш



- Кўзидаги кибрли, қаҳрли қарашлар...;
- Ўзига ишонмаслик сезилиши;
- Беморни алдаётгани сезилиши;
- Юзида самимийликнинг етишмаслиги;
- Нимадандир хавотирга тушгани;
- Қаергадир шошаётгани;
- Шу касаллик тўғрисида врачнинг билими беморга нисбатан камлигини сезилиши;
- Врач юз мушакларининг пирпираб туриши;
- Врачнинг хадеб юзини ёки энгакини силаши, ортикча ҳаракатлари...;

**Бемор билан мулоқатда беморнинг врачга нисбатан ижобий фикрини уйғотишнинг кўринмас деталлари**

- Амбулотор қабулга кирган беморни ОЧИҚ ЮЗ билан кутиб олиш;

Касал билан мулоқат саломлашишдан бошланади, очик юзлик... беморга ижобий таъсурот қолдиради ( чегара фақат табассум..) хотин -қиз тиббиёт ходимлари фақат чегарани унутмаслиги керак...



- Беморнинг саломига алиқ олиш;
- Беморни ўтиришига таклиф этиш ва жой кўрсатиш;
- Бемор билан мулоқатда, врач беморга ўз яқин қариндошидай кўз билан қараши лозим; (бемор аёл киши бўлса онаси, синглиси ёки опаси каби, бемор эркак бўлса отаси акаси ёки укаси каби кўз билан қараши лозим, шаҳват кўзи билан қараш қатъан ман этилади.)

## Тиббиёт институти га ўқишга биринчи қадам...

### Ҳар бир беморни ўз яқин оила аъзоларингдек қабул қил



**Бемор хотин-қиз бўлса , ўз онангдек, опангдек ёки синглингдек кўз билан қара**

**Бемор эркак бўлса , ўз отангдек, акангдек ёки укангдек кўз билан қара**

- Беморга расмий оҳанда гапирмасдан, юмшоқроқ тонда ФИШни сўраш ва дафтарга қайд этиш;
- Беморнинг шикоятларини имкон даражасида ТЎЛИҚ ФИКРИНИ БЎЛМАСДАН ЭШИТИШ;
- Агар врач эркак бўлса, бемор қабули вақтида аёл ҳамшира бўлиши тавсия этилади;
- Врач беморнинг шикоятларини тўлиқ эшитгач объектив текширувни бошлаш учун ўзига ишонч ҳолда беморга мурожаат этиши лозим;
- Беморни объектив текшириш терини кўздан кечиришдан бошланади, буни учун тананинг очиқ қисмидан бошланади. Бемор танси терисига ёки кийимига қўл текказилмайди.
- Беморнинг шикояти терининг кийим ости соҳасида бўлса, масалан қорин соҳасида тошма бўлса, бемордан мумкин бўлса, ўша қорин соҳасидаги тошмани кўрсам бўладими деб сўралади. Бемор розилигисиз кийимига қўл текказилмайди;

- тана юзаси кўздан кечирилгач, пайпаслашга ўтилади.
- Унда масалан: томирингиз уришини пайпаслаб кўрсам бўладими-деб сўралади? Бемор розилик белгиси сифатида қўл билагини узатиши ёки сўз билан розилик билдириши мумкин;
- Масалан қорин соҳасида оғриқ бўлаётган бўлса, пайпаслаб кўрсам бўладими? –деб сўралади. Бемор розилик белгиси сифатида куйлагини кутариб , қорнини очади ёки сўз билан розилик билдириши мумкин;
- пайпаслашдан олдин врач қўлини бир-бирига ишқаб иситиб олиши лозим;
- Бемор танасига врач қўл текказиш вақтида, асталик ва эҳтиёткорлик билан, авайлаб МЕХР билан пайпаслаши лозим; шу ўринда бемор билан мулоқатда, врач беморга ўз яқин қариндошидай кўз билан қараши лозим...;
- Бемордаг нафақат оғриқ бор-йўқлиги тўғрисидаги сўзига, балки юз мимикасига ҳам эътибор бериши, оғриқни мимикадан сезиши лозим;
- Беморни уриб кўриш усулида текшириш учун ҳам бемордан руҳсат сўраш керак? Чунки бу текшириш усули, яъни перуссия кўпинча кўкрак ва қорин соҳасида қўлланиб, бемор истамаса қорин ва кўкрак соҳасини очмаслиги мумкин; (шу ўринда бемор билан мулоқатда беморга ўз яқин қариндошундай кўз билан қараши сўралади....).
- Аускультация, яъни эшитиб кўриш усулида эҳтиёткорлик талаб этилади. Масалан бемор юраги ёки ўпкаси этиб кўриш зарурати бўлиб, врач эса эркак, бемор аёл киши бўлганида ноқулай вазият ва аёлларда уялиш ҳисси юзага келади. Бу ҳолатда бемор аёлдан фонендоскопнинг бошчасини юракни эшитиш учун, кийим устидан ўша жойини қўл текказмасдан кўрсатилиб, кўкрак қафасини тегишли жойга қуйиши сўралади. Ўпка ёки юрак товушини эшитиш имконияти юзага келади. Бунда бемор аёлни кийимини ечиш, баданига қўл текказиши шарт бўлмайди.

### Беморлар билан мулоқатда “сеҳрли сўзлар” дан фойдаланиш

	<p>ссалому алайкум; лтимос; ечирасиз; умкин бўлса; ътироз билдирмасангиз;</p> <p>еморга ёқадиган сўзларни қидириб топиб, фойдаланиш...ФАҚАТ “СЕҲРЛИ СЎЗ”ДАН ФОЙДАЛАНИЛГАНДА, БЕМОРГА ЯЛИНИШ (ёки буйруқ)ОҲАНГИДА ЭМАС, самимият билан қўллаш сўралади.</p>
--	--



**Хотин –қиз врачлар бемор билан мулоқатда сеҳрли сўзларни қўллаганда, маълум бир чегарада мулоқат қилиш сўралади.**


Беморга онажон, опажон, синглим, укажон, акажон, отажон деб муружаат этиш юқори самара беради;

Беморнинг нотўғри гапига тўғридан –тўғри, Сизнинг гапингиз нотўғри демасдан, гапингиз тўғри, лекин менимча бундай бўлса, яхшироқ бўларди, деб тушинтириш...

Врач бемор билан мулоқатда вазиятни имкон даражасида, тиббий термин қўшмасдан бемор тушинадиган содда тилда тушинтириши лозим;

Беморни сўровига асосан текшириш ва даволанишида пул маблағига боғлиқ томонларини тушинтиришда бир неча вариантлари, уларни давлат ёки хуссисй клиника эканлиги, арзон ва қиммат томонларини , сифати, мутахассис тажрибаси каби томонларини тушинтиришда холис бўлиши талаб этилади( врач маълумот берганида бирор шифохона ёки дорихонага ён босгани сезилмаслиги лозим);

### Бемор билан мулоқат ва даволаш самарадорлиги нимага боғлиқ?



### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Мудрые мысли о медицине и врачевании: изречения, афоризмы, ...” Я. С. Циммерман · 2011 · ГЭОТАР-Медиа. поискать книгу на сайте "WorldCat"
2. “Деонтология жизни” . Ольга Киселева, Евгений Харламов, Елена Складорова · 2022
3. “Сеҳрли сўз - Волшебное слово”. 2017 Издательство Наврўз
4. Малая медицинская энциклопедия — советская и российская энциклопедия в 6 томах, выходявшая в 1991—1996 годах под редакцией В. И. Покровского.
5. “Хороший доктор: Как найти своего врача и выжить” Кеннет Бригам, Майкл Джонс.
6. Медицинская этика: ситуационные задачи и практические советы лютого 2021 Джерело: <https://medplatforma.com.ua/article/ru/1207-meditsinskaya-etika-prakticheskie-sovety-i-rabochie-situatsii-rus>.